

**ШОРАХМЕТОВ ШОАКБАР ШОРУСТАМОВИЧ-ЕТУК ОЛИМ**

**Мирвоҳидова Фазилят Мирфайзулла қизи**

Тошкент давлат юридик университети 2-босқич талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15472878>



***Шорахметов Шоакбар Шорустамович***

Шоакбар Шорахметов 1931 йил 26 августда Чимкент шаҳрида туғилган. Ш.Шорахметов — ҳуқуқшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист (1983). Юридик фанлари доктори (1995), профессор (1988). Тошкент юридик институтини тугатган (1954). 1954-1961 йиллар давомида амалиётда Наманган вилояти Зардарё, Тўрақўргон районларида район ижроия кўмитасида масъул котиб, район ёшлар кўмитасининг биринчи котиби, халқ судьяси лавозимларида ишлаган. 1961 йилдан 1964 йилгача Ўзбекистон Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтида аспирантурада ўқиб, шу жойдан Москвадаги Бутуниттифок Юридик сиртқи институти (ВЮЗИ)га юборилган. 1965 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг Илмий кенгашида “Рационализаторлик таклифларини ҳуқуқий тартибга солиниши (Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналарининг материаллари бўйича)” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. Ҳимоядан сўнг Ўзбекистон Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтида катта илмий ходим лавозимида, сўнгра Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг юридик бўлимида масъул ходим бўлиб ишлаган. 1967 йил сентябрь ойидан Тошкент Давлат университетининг “Фуқаролик ҳуқуқи ва процесси” кафедрасида катта ўқитувчи, 1971 йилдан бошлаб эса мазкур кафедранинг доценти ҳамда 1970-1984 йилларда шу факультетда кечки, сиртқи бўлим декани, факультет декани ўринбосари лавозимларида ишлаган. Ш.Ш.Шорахметов томонидан 150 га яқин илмий ишлар, шу жумладан, 8 та дарслик ва ўқув қўлланмалар

нашр этилган. Олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган “Ўзбекистон ССР Гражданлик процесси” дарслиги 1980 йилда ўзбек тилида нашр этилиб, 1987 йилда иккинчи дарслик ҳам нашр этилди. Шунингдек, Ш.Ш.Шорахметов “Ўзбекистон Гражданлик кодексига шарҳлар”нинг ҳаммуаллифларидан биридир. Мустакил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, янги қонунлари, суд амалиёти ва Фуқаролик процессуал кодекси асосида 2001 йилда “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи” ва “Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал ҳуқуқи” дарсликларини нашр этди.

Республикада ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашдаги катта хизматлари ва меҳнатига чин дилдан муносабатда бўлганлиги учун 1983 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист” Фахрий унвони дамда “Бутуниттифоқ Олий таълими аълочиси” унвони, 1990 йилда эса Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 августдаги Фармонида асосан ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги катта хизматлари учун

“Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотланган.

Илмий-педагогик соҳадаги катта хизматларини ҳисобга олиб, 1988 йилда Ш.Ш.Шорахметовга диссертация ҳимоясизиз профессор унвони берилди.

1989 йилда ТошДУнинг Илмий кенгаши қарори билан Ш.Ш.Шорахметов “Фуқаролик процесси” кафедраси мудири лавозимига сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1993 йил март ойидаги қарорига асосан Ш.Шорахметов Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг янги лойиҳасини ишлаш ишчи гуруҳининг раиси этиб тайинланади ва шу ишда жонбозлик кўрсатади.

1995 йилда нашр этилган илмий ишларининг йиғиндиси асосида “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг Илмий кенгашида “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик суд юритиш муаммолари” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган.

Шоакбар Шорахметов 2008 йил 30 майда вафот этган.